

ЙЎЛДОШ ЭШБЕК ШЕЪРИЯТИДА МЕДИТАТИВЛИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Гулноза Ҳамроевна ЭРНАЗАРОВА

Филология фанлари номзоди, мустақил тадқиқотчи

Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети
Тошкент, Ўзбекистон

МЕДИТАТИВНЫЕ ОСОБЕННОСТИ ПОЭЗИИ ЮЛДАША ЭШБЕКА

Гулноза Ҳамроевна ЭРНАЗАРОВА

Кандидат филологических наук, независимый исследователь

Ташкентский государственный университет узбекского языка и
литературы имени Алишера Навои
Ташкент, Узбекистан

MEDITATIVE PECULIARITIES IN THE POETRY OF YULDASH ESHBEK

Gulnoza Hamroyevna ERNAZAROVA

Candidate in Philological Sciences, Self-Researcher

Tashkent State University of Uzbek Language and Literature named after Alisher Navoi
Tashkent, Uzbekistan ernazarova1969@inbox.ru ernazarova1969@inbox.ru

UDC (ЎУК, УДК): 81`374

**For citation (иктибос келтириш учун,
для цитирования):**

Эрназарова Г.Х. Йўлдош Эшбек
шеъриятида медитативлик хусусиятлари//
Ўзбекистонда
хорижий тиллар. — 2020. — № 4 (33),
— Б.266-274.

<https://doi.org/10.36078/1605721203>

Received: July 25, 2019

Accepted: October 22, 2020

Published: November 10, 2020

Copyright © 2020 by author(s) and
Scientific Research Publishing Inc.
This work is licensed under the Creative
Commons Attribution International License
(CC BY 4.0).

<http://creativecommons.org/licenses/by/4.0/>



Open Access

Аннотация. Мазкур мақолада ўзбек модерн шеъриятида кўзга ташланаётган ўзига хос хусусиятлар янги авлод шоири Йўлдош Эшбек ижоди мисолида таҳлил этилган. Хусусан, истеъдодли шоирнинг "Йиғлаётган қиз" тўпламига кирган "Рух", "Диний", "Эй осмон", "Фалакда не бўлмоқда", "Инсон", "Афина", "Қабристон", "Сунбула", "Шод", "Ой" шеърларидаги поэтик янгиланишлар аниқланган. Бинобарин, Йўлдош Эшбек шеърияти зоҳиран европа андозалари руҳида яратилган бўлса-да, уларда ботинан мумтоз Шарқ адабиёти, XX аср ўзбек шеъриятининг замонавий шоирлари ижодидаги ижодий анъаналар тадриж этади. Мақолада шоир шеъриятига хос модернистик бадий ифоданинг тўрт асосий ўзандан сув ичгани, улардан таъсирлангани ва ўзлаштирилиб, оригинал бадий ижод намунаси сифатида яратилгани асослаб берилди. Кези келган ўринларда адабиётшунос олимларнинг модернизм ва модерн шеърият хусусидаги фикрларига муносабат билдирилди.

Калит сўзлари: ўзбек модерн шеърияти; қабристон поэзияси; диний талқин; сўфиёна рух; метафора.

Аннотация. В статье анализируются особенности современной узбекской поэзии на примере поэта нового поколения Юлдаша Эшбека. В частности, актуализированные поэтические обновления были выявлены в таких стихотворениях, как «Дух», «Религия», «Небеса», «Что творится в небе», «Человек», «Афины», «Кладбище», «Санбула», «Радость», «Луна», которые входят в сборник талантливого поэта «Плачущая девушка».

Поэтому, хотя поэзия Юлдаша Эшбека явно создана в духе европейских стандартов, она в то же время отражает классические традиции восточной литературы и творческие тенденции поэтов узбекской поэзии XX века. В статье утверждается, что модернистская художественная экспрессия, присущая творчеству поэта, питалась четырьмя основными факторами, находилась под их влиянием и ассимилировалась, и была создана как образец нового оригинального художественного творчества.

Ключевые слова: современная узбекская поэзия; кладбищенская поэзия; религиозное толкование; суфийский дух; метафора.

Abstract. This article deals with the analyses of the peculiarities of modern Uzbek poetry on the example of the new generation of poets Yuldash Eshbek. In particular, the poetic updates have been revealed in the poems “Spirit”, “Religion”, “Oh heaven”, “What is happening in the sky”, “Man”, “Athens”, “Cemetery”, “Sunbula”, “Joy”, “Moon” which have been included in the collection under the title “The crying girl”. Therefore, although Yuldash Eshbek's poetry is apparently created in the spirit of European standards, they reflect the classical traditions of the East, the creative traditions of modern poets of the twentieth century Uzbek poetry. The article argues that the modernist artistic expression inherent in the poet's poetry having been watered from four main factors, was influenced and assimilated by them, and was created as a new example of original artistic creation. At times, literary scholars debated the views of modernism and modern poetry.

Keywords: modern Uzbek poetry; cemetery poetry; Islamic religious interpretation; Sufi spirit; metaphor.

Кириш. Ўзбек модерн шеъриятида медитативлик муаммоси ҳақида шеърий манбалар асосида фикр юритишдан олдин адабиётшунослигимиздаги бир муаммога тўхтаб ўтишнинг зарурати бор. Бу муаммо — модернизмга адабиётшунослик ва адабий танқиднинг муносабати масаласидир.

Ўзбек адабиётшунослигида модернизм ҳақидаги фикрлар турлича. Ўтган асрнинг 90-йилларида бошланиб, 2000-йилларда авж олувчига чиққан модернизм ҳақидаги баҳслар, бизнинг кузатишимизга кўра, ҳамон сўнгги нуктасига етгани йўқ. Бир гуруҳ адабиётшунослар модернизмни ёқлаб, унинг ўзбек адабиётида мавжудлигини исботлашга уринсалар, бошқа бир гуруҳ олимлар модернизмнинг ўзбек миллий менталитети учун ёт ва зарарли эканлиги ҳақидаги фикрларни билдирдилар. Бизнинг эса бу масала борасидаги тўхтам ва ҳулосаларимиз бир оз бошқачароқ.

Асосий қисм. Бизнингча, даставвал “модернизм” ва “модерн” тушунчаларини катъий тарзда фарқлаб олишимиз даркор. Дарҳақиқат, модернизм Европа адабий муҳитида пайдо бўлган, бугунгача ўнлаб янги оқимларга тармоқланиб яшаб келаётган адабий-эстетик ҳодисадир. Модернизмнинг ўнлаб вакиллари томонидан ижод этилган насрий, драматик ва шеърий асарлар тадқиқотчилар томонидан ўрганиб келинмоқда. Модернизм адабиётига берилган илмий таърифлар асосан мана шу асарларнинг характеридан келиб чиқади.

Замонавий ўзбек шеърлятида модернизмга нисбат берилаётган шеърларда эса Европа модернизм адабиётида илгари суриладиган мутлақо ёлғизлик, тушкунлик, Худони инкор этиш, тарихий маданиятдан воз кечиш, оила ва ота-онага нисбатан нигилистик муносабат масаласи кузатилмайди. Шу нуқтаи назардан келиб чиқиб фикрлаганимизда, “Ўзбек модерн шеърляти” дейилганда анъанадаги шеърлятимизга қараганда янгичарок, деклоративлик, воқеабандлик, зоҳирийлик хоссаларидан йироқ шеърлий асар тушунилади. Бу шеърлят янги шакллар, янгича композиция, янги услубий изланишлари билан мана шу “модерн” талабига жавоб беради. Ундаги мазмун ҳам нисбатан сирли тус олгани, кўпроқ ботин ҳақиқатларига қурилганлиги билан анъанавий ўзбек шеърдан фарқланиб туради. Бунда аср бошидаги жаид шоирларининг янгича (жаидча) изланишларининг, кейинги даврларда майдонга келган Рауф Парфи ва унинг йўналишида ёзилган шеърларнинг таъсири катта, албатта. Шунингдек, рус, япон, Лотин Америкаси, замонавий француз, инглиз, Болтикбўйи шоирлари ижодидан қилинган таржималар ҳам ўзбек модерн шеърлятининг шаклланишига сезиларли таъсир ўтказган. Глобал дунё, гиппервокелик, мегаполислашган жамият ичида фикрлаётган одам, унинг орзу-ўйлари, ботиний изтироблари, медитатив ўй-мушоҳадлари замонавий шеърлятнинг шундай мазмун ва мундарижага эга бўлишига олиб келди.

Профессор Қозокбой Йўлдошевнинг қуйида келтириладиган фикрлари ўзбек модерн шеърлятига хос жиҳатларни лўнда ифодалаши билан эътиборни тортади: “Бугунги ўзбек шеърляти ўз тараққиётининг муҳим ҳаётий ҳодисаларни тасвирлаш ва долзарб муаммоларни акс эттиришдан кўнғил манзараларини чизиш ва рухий ҳолатларни моддийлаштириш босқичига ўтди. Тўғри, бугун долзарб кундалик ҳодисаларга бағишланган, муҳим сиёсий воқеалар ёки одам кўнглини ижтимоий моҳияти ифодаланган тизмалар яратилаётир. Лекин аксар ҳолларда чин шеърлят *кўнғил ҳолатини манзаралаштириши, сезимлар чигаллиги ва изтироблар рангини чизиши, рангларнинг товушини беришига тутинган*. Ўзбек шеърлятида Рауф Парфи бошлаб берган бу тасвир йўналиши, ифода йўсини бугунги кунда асосий йўналишга айланди дейиш мумкин” (Таъкид бизники. — Г.Э.) (4, 315).

Ўзбек модерн шеърлятига мансуб, юқорида номлари саналган ва баъзи саналмаган шоирлар ичида Фаҳриёр ва Баҳром Рўзимуҳаммад шеърляти тадқиқотчиларимиз, машҳур олимлар томонидан етарли даражада ўрганилган ва матбуот саҳифаларида турли баҳс-мунозараларга сабаб бўлган (Баҳодир Саримсоқов, Қозокбой Йўлдош, Сувон Мели, Улуғбек Ҳамдам, Назар Эшонқул, Эргаш Очилов мақолалари) эди. Шуларни назарда тутиб, ишимизнинг охириги боби сўнги фаслида нисбатан кам эътибор қаратилган модерн шоирлар ижоди мисолида фикр юритишга ҳаракат қиламиз.

Хусусан, шоир Йўлдош Эшбек шеърляти тўрт асосий илдиздан озикланади. Биринчи манба ўзбек, хусусан, Самарқанд халқ ижодиёти намуналарида акс этган халқ донолиги, ифода тарзи шоир озикланадиган энг асосий манба бўлиб ҳисобланади. Иккинчи манба, ўзбек мумтоз сўфийлик адабиёти, Яссавий, Навоий, Машраб ижоди. Бу жиҳат Йўлдош Эшбек шеърлятида бағишлов, алқов ёки марсия шеърлар тарзида эмас, балки “ботин руҳияти”ни сўзда ифодалаш, ўз-ўзини тафтиш этиш тарзида лирик ифода этилади. Учинчи манбани Чўлпон, Усмон Носир ва Рауф Парфининг экспериментал-

модернистик анъаналари ташкил қилади. Бу жиҳат кўпроқ шоирнинг ижтимоийлашган шеърларида лирик “мен”нинг умумлашуви, ижтимоийлашуви тарзида бўй кўрсатади. Тўртинчи ва сўнгги манба эса жаҳон модерн шеърляти анъаналаридир. Бунда шоир кўпроқ япон ва Лотин Америкаси янги шеърлятидан таъсирлангани сезилади. Япон шеърлятидаги услуб нозиклиги, Лотин Америкаси, хусусан, Гарсиа Лорка шеърлятидаги метафоризация усулининг таъсири Йўлдош Эшбек ижодида аниқ сезилиб туради.

Йўлдош Эшбекнинг “Йиғлаётган қиз” тўпламидаги шеърларнинг барчаси ғаройиб композицияси билан оригиналлик касб этади. Чунки бу шеърларнинг бирортасида бош ҳарф, қофия, туроқ мавжуд эмас. Шеърлар оҳанги ва маромини лирик мушоҳада оқими ташкил этган. Мана шу оқимга тушиб олган ўқувчи қофияга ҳам, вазнга ҳам эҳтиёж сезмайди. Сўзлар оқимида айтилаётган мазмунни ҳиссий-интуитив тарзда англаб бораверади. Бундай илҳом йўли эса шеърнинг асосий унсури қофия ва вазн деган анъанавий қарашларимизнинг юз фоиз ўзини оқламаслигини кўрсатади. Бундан ҳам эътибор тортадиган жиҳати, тўплаган кирган барча шеърларнинг биринчи сўзи сарлавҳа бўлиб келади. Одатда сарлавҳа дейилганда, муайян асар мазмунини қамраб олувчи бир бутун композицион бўлак тушунилади. Йўлдош Эшбекда эса биринчи сўзнинг ўзиёқ шеър мазмунига оид ҳамма нарсани англашимизга олиб келиши билан биргаликда, шу шеър дунёсига олиб кирувчи очкич сўз вазифасини ҳам ўтайди. Мана шундай умумий жиҳатнинг ўзиёқ Йўлдош Эшбек шеърлятининг ўзбек модерн шеърлятига мансуб деб таснифлашга имкон беради.

Шоирнинг “Рух” деб сарлавҳаланган шеъри шундай мисраларни ўз ичига олган:

РУҲ
оламин рад айламини даҳрийлар
демишларки ўлгач одам хокдир вассалом
унда қандай ва қайдан сўзлашади тушида
кўради ҳам эшитади учади
балки улар олами маънода кўринмаслар
қордай оппоқ болдай ширин булоқларни
биллур боғларни
шаффоф қасрларни
балки улар туши беҳад даҳшатли
олов тоғларни чўғ чоҳларни кўрарлар
баданини чўгдай терлар ўрарлар
сўнгги дам ҳам кўрар шу манзарани
жон қийналса билар шу руҳдир
бу ҳолни кўрсатмасин
булоқлансин ширин ҳислар
хос туйғулар боғлансин
қасрлансин шаффоф тушлар
руҳлар гўзал маъвода бўлсин
асл ватан навода бўлсин! (14, 55).

Шеърда нукта, вергул, икки нукта, сўроқ белгиси, шунингдек, риторик сўроққа ўрин ажратилиши керак бўлган нукталар талайгина. Аммо шоир уларнинг барчасидан атайлаб воз кечган. Ҳамма гапини сўнгги сатрдаги ягона ундовга юклаган. Сўз ўта муҳим фалсафий муаммонинг медитатив талқинига қаратилган. Шунинг учун бўлса керак, шоир шеърни лирик компонентга, учта мустақил семантик бўлакка ажратган. Биринчи қисмда тарихий ассоциативлик тамойили

етақчилик қилади. Бинобарин, даҳрийларнинг руҳни инкор этишлари, инсон ўлими ҳақидаги хулосалари ахборот тарзида келади. Аммо ушбу ахборотни ифодалаш йўсини кутилмаган шакл олгани боисидан атеизм масаласини билган-билмаган ўқувчида бир хил ассоциация уйғотади. Ўлган одам, унинг тупроқ остига қўмилиши, чириш ёхуд рух ўлароқ мангу яшаш. Бундан кейинги композицион бўлакда шоир бу икки масалага ўзининг лирик позициясини ўртага ташлайди. Хўш, одам ўлгач тупроққа айланиб кетадиган бўлса, тушларимизга кирадиган ота-оналаримизнинг, боболаримиз ва момоларимизнинг руҳларини қандай изоҳлаймиз? Йўқ бўлиб кетган нарса қандай худди тирикдек тушларимизга киради. Бизни қандай огоҳлантиради, ҳолимиз ҳақида сўзлайди, ўз ҳолатидан хабар беради? Атеистларнинг гапларида ҳам балки жон бордир. Уларни моддий кўз, материалистик организм сифатида кўриб бўлмас. Аммо руҳлар биз кўрмаган нарсаларни кўрадилар: шаффоф қасрлар, ширин булоқлар, биллур боғлар, оловли тоғлар, чўғдек қизиган чоғлар. Бу билан шоир руҳларнинг имконияти биз тирикларникидан кўра каттароқ эканига ишора қилади. Уларнинг ўлимларидан олдин келажақдаги ўз тақдирларини кўришлари ҳақидаги ҳадисларни шеър ичига сингдириб юборади. Қайсики одам жаннати бўлса, унга ойдин булоқлар, жаннат боғлари, шаффоф қасрлар кўрсатилади. Дўзахийга эса дўзах саҳналари намойиш этилади. Шоир интуитив тарзда ҳадис маъносини мушоҳада қилади. Учинчи қисмда эса ўзининг шоирона кенг қалби билан ҳаммага яхшилик, охират саодатини тилайди. Ҳеч бир банданинг ўлганидан кейин ҳам жазоланмаслигини истайди. “Булоқлансин”, “боғлансин”, “қасрлансин” ясама сўзлари орқали жаннат манзараларини мажозий тасвирлайди. Шунинг билан биргаликда, инсоннинг тириклик ҳаётида яхши амаллар қилиши, эзгу ишларга қўл уриши, ўздан яхши ном қолдиришига даъват руҳини уйғотади. Даъват руҳини уйғотиш асносида гуманистик, эзгу ниятини хулосавий мисра сифатида беради: “асл ватан навода бўлсин!”

“Диний” сарлавҳали шеърда эса бугунги кунимизда ҳам долзарб бўлиб турган глобал бир муаммо ҳақида сўз юритади. Диний жанжалларнинг келиб чиқишини илмсизликда дер экан:

*дин эшикдир нажот уйига
тош отсанг-да
бағрини очар
тавба этсанг
дин дарахтдир
новдалари қўллари кўп*

тарзидаги ҳикматларни илгари суради. Динни “қўллари кўп дарахт” деганида кўпчиликка тушунарсиз, маънодан узилган бўлиб туюлиши мумкин. Аммо ушбу шеър контекстида шу мисранинг ўзи бир нечта тағмаъноларга эга. Биринчидан, қўллари кўп дейиш диннинг саховат эканига ишора қилади. Иккинчидан, дарахтнинг меваси бўлади, бу мевадан одамдан бошлаб, қурт-қумурсқагача баҳраманд бўлади. Доналаридан бошқа дарахтлар ўсиб чиқади. Бу жараён абадий ва ҳаётнинг моҳиятидир. Учинчидан, дин ҳар бир инсоннинг қалбида нишлаб, қалбида кўкарадиган дарахт. Ташқаридан диндор бўлиб кўринган одам ҳали дин соҳиби эмас. Унинг кимлигини шу қалбда ўсган дарахтнинг қандай дарахт эканлиги ҳал қилади. Тўртинчидан, бунинг учун инсон ўз қалбини поклаши, қилган гуноҳлари учун тавба қилиши лозим:

*бу ниҳол остига тавба сувин қуй
эшикдан кир
эшикдан кир
динингни ва ўзингни билдир (14, 41).*

Бундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, Йўлдош Эшбек шеърляти фақат шакл ва мазмун жиҳатидангина эмас, ўзининг медитатив мушоҳадасининг жорий аср учун янгилиги билан ҳам оригиналдир. Тўғри, бу фикрлар мумтоз шоирларимиз шеърларида ҳам айtilган. Бироқ Йўлдош Эшбек ўша гапларни сўфий аждодлари каби ўз ичида ҳис қилади, замонавий одам сифатида шеърхонга ҳис эттира олади.

Бундай янгиланган талқин усуллари биз шоирнинг барча шеърларида, хусусан, “Эй осмон”, “Фалакда не бўлмоқда”, “Инсон”, “Афина”, “Қабристон”, “Сунбула”, “Шод”, “Ой” шеърларида янада ёркинроқ ҳис қиламиз.

Медитатив лириканинг муҳим йўналишларидан бири Европада кенг тарқалган “қабристон поэзияси”дир. Бу шеърят Эдуард Юнг, Томас Грей, Томас Кид, Ж.Ж. Руссо каби инглиз ва француз шоирларинигина эмас, руснинг А. Пушкин, М. Лермонтов, А. Белий, В. Бальмонт, А. Ахматова, М. Цветаева каби шоирларини ўз таъсирига тортган. Бу шеърят Европада азалдан бўлган элегиявий, марсиявий лирик талқиндан тубдан фарқ қилади. Бунда лирик “мен” ўлимнинг ўзини эмас, унинг туфайли туғилган лирик мушоҳадани лирик усулда тасвирлайди. Ўлим ҳодисасини фалсафий-медитатив талқин қилади.

Йўлдош Эшбекнинг “Қабристон” шеъри эса Европа ёки уларга эргашиб ёзилган ўзбек “қабристон поэзияси” тамойилларидан таъсирланмасдан, балки сўфиёна тарих, сўфиёна руҳ, диний-исломий талқинига кўра оригинал асар ҳисобланади:

*Фотиҳа тортамиз юзга жўнаймиз
Ваҳмли (қўрқувли) кўнгилни кўтариб шитоб
Убайдуллоҳ каби ёшмиз кўнмаймиз
Қолмаймиз истаймиз тараддуд шу тоб.*

Бу шеърнинг қабристон образларига оид бир қирғоғи. Шоирнинг оригиналлиги шундаки, бир марҳумнинг дафн манзарасини асос қилиб ўз лирик қаҳрамонини воқеликнинг икки қирғоғига бўлиб юборади. Биринчи қирғоқда дафнга келган лирик “мен”. У ўлимдан ваҳимага тушган, тезроқ “юзига фотиҳа тортиб” бу даҳшатли жойдан кетишни хоҳлайди. Ўзидан ўлим соати ҳали узоқлигидан таскин излайди. Ҳали “ёшман” деб ўйлайди. Кейин шу туйғунинг “сабабчилари” ҳақида сўз кетади. Улар учта: “кўнгил”, “ақл”, “нафс”. Кўнгил-жон тор маконларга сиғмайди. Унинг яратилиш тийнати шундай. Тана кўмилгани билан уни кўмиб бўлмайди. У — абадий. Иккинчиси ақл. Ақл дунё ишларини ўйлайди. Бола-чақа, дунёда қолиб кетаётган мақсад ва орзулар уни ўлимдан қўрқитади. Аммо ақл туйиб турган бундай ҳиснинг бошида нафс туради. Нафсни енгиш, ўлимга кўндириш ўта қийин иш. У ер остида ётишни сира истамайди. Қачонки шу нафс ўлдирилар экан, ҳозиргина дафн этилган майитдек, инсон “Ўлмасдан бурун ўлади”. Пайғамбар алайҳиссаломнинг ҳадисларига мувофиқ мўминга айланади. Бундайлар лирик “мен” замондошлари ичида бўлмаса ҳам ўтмиш аждодлар орасида бор эди. Инсон мана шу зотларга интилоғи, ўз нафсини ўлдирмоғи, ўлмасдан бурун ўлмоғи

лозим. Шеърнинг хулосаси шунга олиб келади. Натижада биринчи тўртликдаги Убайдуллоҳ исмининг маъноси ҳам очилади:

*қачон тирикликда қўрқувдан голиб
Хўжа Аҳрор каби бунда тунаймиз
тонг отмай (келмай) ухламай вазмин уйғониб
қачон ҳаёт чоғда қолдирамиз из (14, 130).*

Шоирнинг бадиий концепцияси аниқ. У ҳар бир табиат, жамият ҳодисаларига, шахсий ҳодисага нисбатан ўз позициясига эга. Шунинг учун шоирнинг барча шеърлари бир-бири билан уйғун, бири иккинчисининг давомидек тасаввур беради. Шоир тўрт сўзу икки сатрдан иборат “Ой” сарлавҳали шеърда шундай дейди:

*ОЙ
синиқлиги учун ҳам ёруғдир.*

Ёинки:

*УМР
фурсат
фурсат эса ғанимат
намоз вақти ўтадигандек... (14. 266).*

Ёки “Сунбула” номли шеърда йил фасллари ичида навбати келган сунбула ойи ҳақида гапирар экан, табиатнинг қанчалар саховатлилиги, инсонлар жамиятига нисбатан адолат қонуниятининг бардавомлиги, кўнглида эрк туйғусини уйғотиши ҳақида тамомила янги руҳ ва янги поэтик услубда сўз юритади:

*СУНБУЛА
сувга чайилгандек кўк тиниқ
сувлар одатдагидек синиқ
оҳиста*

*ўтади соҳилни силаб
тўлқинлар ойни отиб юбормас қирғоққа...(14, 266).*
(таъкидлар бизники. — Г.Э.)

Йўлдош Эшбек шеърларида “синиқ” деган ташбеҳ кўп келади. Бу шоирнинг аждодлар ахлоқи, шахсиятидаги камтарликка ишора. Шоир инсондаги бундай сифатни жуда улуғлайди. Худди “ой синиқлиги учун ёруғдир” деган бадиий-медитатив концепцияси каби бу ерда сувнинг синиқлигига урғу беради. Сув айнан ўзининг синиқлиги сабаб нурафшон ойга ҳасад қилмайди. Уни ўздан узоқлаштириш, қирғоққа улоқтириб юборишни касб этмаган. У шундай сўлим табиати билан инсонга сабоқ беради. Тифиз шаҳарларда, чанг кишлоқларда яшаётган, тинимсиз бир-бирини таъкиб этиб, ҳасад, ғайбат ва зулмга кўмилиб бораётган инсонга ибрат кўрсатади. Ўздан ёрқинроқ бўлган ойга зуғум қилмайди. Шеърнинг давомида бевосита лирик “мен” тилидан айтилган: “беихтиёр аҳд этиб юборар одам, бирор ёмонлик қилмайман деб” тарзидаги лирик иқроқ ўқувчини одам ва табиат ўртасида муқояса кетаётганига ишонттиради.

Инсонлар жамиятидан бешиш, табиат томон интилиш, техник тараққиёт ва глобаллашув сабабидан қалбини бой бераётган инсон фожиаси ҳақида мушоҳада қилиш Йўлдош Эшбек шеърлярида етакчи тамойил бўлиб келадигани, буларнинг ҳаммаси соф ўзбекона медитатив лириканинг ёрқин намунаси сифатида намоён бўлади. Йўлдош Эшбек лирик қаҳрамони худбин эмас. У тарих, шахс, инсон кўнгли, табиат ҳодисалари, жамият муаммолари, ўлим ва ҳаёт бориники, нима ҳақида сўз юритмасин ўзининг индивидуал “мен”и қобиғида қолиб кетмайди. Унинг лирик “мен”и шеър контекстида миллий, ижтимоий, ҳатто

умумбашарий “мен”га айланади. Хусусийликдан ўсиб бориб, умумийликка қўшилиб кетади.

Хулоса. Ўзбек модерн шеърлятида кўзга ташланаётган бу каби ўзига хос хусусиятлар Йўлдош Эшбекдан кейин шеърлятга кириб келган авлод шоирлари ижодида ҳам яққол сезилади. Йўлдош Эшбек шеърляти мустақил, бошқа шоирлар шеърлятидан кескин ажралиб турадиган қатор хусусиятларга эга бўлишига қарамасдан, ўта кам эътибор қаратилган ижод намуналари бўлиб ҳисобланади. Йўлдош Эшбек янги ўзбек шеърлятининг етакчи анъаналарини оригинал лирик образлар, рамз ва тимсоллар, услуб ранг-баранглиги билан бойитган шоирларимиздан. Ундан кейин шеърлятга кириб келган Б.Эрали ва Б.Бегматов шеърлярида эса бағишловлар, йўл хотиралари, локаллаштирилган макон ва бадий жиҳатдан хаёллашган, фантастиклашган замон воситасида янгича талқин қилинади. Бу жиҳатлар фақат мазмун ва лирик сюжетда эмас, балки лирик композицияда ҳам ёркин намоён бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Жўрақулов У. Асл ўзанлар сари //Мўминова Г. Комета. Шеърлар — Тошкент: Ғ.Ғулом нашрети 2019. — 392 б.
2. Жўрақулов У. Ҳудудсиз жилва. — Тошкент: Фан, 2006. — 546 б.
3. Йўлдош Қ. Ёниқ сўз. — Тошкент: Янги аср авлоди, 2006. — 504 б.
4. Йўлдошев Қ. Сўз ёлкини. — Тошкент: Ғафур Ғулом нашрети, 2018. — 346 б.
5. Каримов Б. Рухият алифбоси. — Тошкент: Ғафур Ғулом нашрети, 2016. — 364 б.
6. Кассирер Э. Сила метафоры /Теория метафоры. — М.: Прогресс, 1990. — 512 б.
7. Мели С. Сўз-у сўз. — Тошкент: Шарқ, 2020. — 380 б.
8. Парфи Р. Туркистон руҳи. — Тошкент: Шарқ, 2013. — 320 б.
9. Раҳимжонов Н. Бадий кашфиётлар тонги / Аҳмедова Ҳ. Яшил. — Тошкент: Ўзбекистон, 2016. — 165 б.
10. Саримсоқов Б. Бадийлик асослари ва мезонлари. — Тошкент, 2004. — 127 б.
11. Филипп Уилрайт. Метафора и реальность — М., 1990. — С. 82–119 — URL: <http://philology.ru/linguistics1/uilrayt-90.htm>
12. Ҳамдамов У. Бадий тафаккур тадрижи. — Тошкент: Янги аср авлоди, 2002. — 198 б.
13. Ҳамдамов У. Янгиланиш эҳтиёжи. — Тошкент: Фан, 2007. — 196 б.
14. Эшбек Й. Ёйғлаётган қиз. — Тошкент: Янги аср авлоди, 2019. — 288 б.

References

1. Zhuraqulov U., *Asl uzanlar sari* (Towards the original uzanlar), Muminova G. Kometa, Poems, Tashkent: Gulom Gulom publishing house, 2019, 392 b.
2. Zhuraqulov U., *Hududsiz zhilva* (Immense Beauty), Tashkent: Science, 2006, 546 p.
3. Yuldosh Q., *Eniq suz* (The Word Burn), Tashkent: Generation of the new century, 2006, 504 p.
4. Yuldoshev Q., *Suz elqini* (Vocabulary), Tashkent: Gulom Gulom publishing house, 2018, 346 p.

5. Karimov B., *Ruhiyat alifbosi* (Spirit Alphabet), Tashkent: Gulom Gulom publishing house, 2016, 364 p.
6. Kassirer E., *Teoriya metafori* (Teoriya metafori), Moscow: Progress, 1990, 512 p.
7. Meli S., *Suz-u suz* (Word-it's a word), Tashkent: East, 2020, 380 p.
8. Parfi R., *Turkiston ruhi* (The spirit of Turkistan), Tashkent: East, 2013, 320 p.
9. Rahimzhonov N., *Badiii kashfiyotlar tongi* (The dawn of artistic discoveries), Ahmedova H. *Yashil* (It's green), Tashkent: Uzbekistan, 2016, 165 p.
10. Sarimsoqov B., *Badiilik asoslari va mezonlari* (Fundamentals and criteria of artistry), Tashkent, 2004, 127 p.
11. Filipp Uilrait. *Metafora i real'nost'*, Moscow, 1990, pp. 82–119, available at: <http://philology.ru/linguistics1/uilrayt-90.htm>
12. Hamdamov U., *Badiii tafakkur tadrizhi* (Artistic Thinking), Tashkent: Generation of the new century, 2002, 198 p.
13. Hamdamov U., *Yangilanish ehtiyozi* (The Need for Renewal), Tashkent: Science 2007, 196 p.
14. Eshbek I., *Iiglaetgan qiz* (Crying Girl), Tashkent: Generation of the new century, 2019, 288 p.